

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2025 йил ноябрь ойининг 22 куни жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи [REDACTED]

[REDACTED], судланувчи ХХХ ва унинг химоячиси адвокатлар Д.Саидов, Х.Астанакулованинг иштирокида, ХХХга нисбатан [REDACTED]-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

ХХХ, 2000 йил 7 январь куни Термиз шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, вақтинча ишсиз, оилали, Денов тумани “Бўстон” маҳалласи Бахт кўчаси 12-уй 11-хонадонда яшайди, унга нисбатан “қамок” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини олган, соғлиги яхши, судга жавоб бера олади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисми билан айбланган.

Суд ҳайъати, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши материалларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, томонларнинг музокара нутқларини ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

2025 йил 17 июнь куни “Х” исмли шахснинг вилоят ИИБ бошлиғи номига ёзган аризасига асосан ИИБ ва ДХХ тезкор ходимлари иштирокида ўтказилган тезкор тадбирда, ХХХнинг бошқарувида бўлган Кобалт русумли 75F896YA давлат рақамли автомашина олдиндан кузатувга олиниб, Термиз шаҳар “Юлдуз” маҳалласи ҳудудида жойлашган Темир йўл вокзали чорраҳасидан ҳаракатланмоқчи бўлган вақтда, тезкор ходимлар томонидан автомашинани тўхтатиб, тушиши сўралганида, ходимларнинг қонуний талабини бажармасдан олдинда турган вилоят ИИБ ТҚХ ЖКБ ҳисобида бўлган Жентра русумли 75/089DBA давлат рақамли ҳамда Нексия-3 русумли 75/839EBA давлат рақамли ва фуқаро О.Қаюмовнинг бошқарувида бўлган Жентра русумли 75F712OA давлат рақамли автомашиналарни олди ва орқа қисмларига уриб шикаст етказиб, бошқарувида бўлган автомашинасида Термиз шаҳар “Шифокор” маҳалласида жойлашган “Нафис мебеллар” номли дўкон рўпарасидан ўтган автомобиль йўлидан ҳаракатланаётган вақтда автомашинасининг олд йўловчи томонидаги эшик ойнасидан қора целлофан



пакет ичида бўлган вилоят ИИБ ЭКМнинг 17.06.2025 йилдаги 300-сонли судга оид кимёвий экспертиза хулосасига кўра, соф вазни 406,94 грамм бўлган гашиш гиёҳвандлик воситасини отиб юбориб, автомашинасида ҳаракатни давом эттириб, Термиз шаҳар “Фарход” маҳалласида жойлашган вилоят ОИТС марказининг рўпарасидан ўтган йўлда қарама-қарши ҳаракатланиб келаётган Ласетти русумли 75Z184QA давлат рақамли автомашинанинг йўналишига ўтиб кетиб, йўл транспорт ҳодисаси содир этиб, тўхтаб қолган вақтда ХХХ тезкор ходимлар томонидан ушланиб, у томонидан отиб юборилган гашиш гиёҳвандлик воситаси хужжатлаштирилиб олинган.

Судланувчи ХХХ суд мажлисида, айбига қисман иқрорлик билдириб, 2025 йил 17 июнь куни Термиз шаҳар “Юлдуз” маҳалласи ҳудудида жойлашган “Нафис” мебеллар дўкони рўпарасидан олинган қора пакетдаги 406.94 грамм гашиш гиёҳвандлик воситаси аниқланганлик ҳолати бўйича қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, ушбу гиёҳвандлик воситасини ўзи истемол қилиш учун сақланганлиги учун қилган ишидан пушаймонлиги, оилали бўлиб қарамоғида икки нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, муқаддам судланмаганлигини инобатга олиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган енгилроқ жазо тайинлашни сўраб, кўрсатув берди.

Гувоҳ А.Абдужабборов суд мажлисида, ИИБ ходимлари бир ишда холис сифатида иштирок этишини сўрашганлиги, ўз ихтиёри билан рози бўлганлиги, 2025 йил 17 июнь куни "Х" исмли шахснинг вилоят ИИБ бошлиғи номига ёзган аризасида, Термиз шаҳри Бўстон маҳалласида яшовчи ХХХ Термиз шаҳар ҳудудида "гашиш" гиёҳвандлик моддасини сотиш билан шуғулланаётганлиги, унга нисбатан қонуний чора кўришликни сўраганлигини маълум қилинганлиги, мазкур аризаси асосида ИИБ ва ДХХ тезкор ходимлари билан тезкор тадбир давомида, ХХХ бошқарувида бўлган олдиндан кузатувга олинган оқ рангли Кобалт русумли 75F896YA давлат рақамли автомашинаси Термиз шаҳри “Юлдуз” маҳалласи ҳудудида жойлашган темир йўл вокзали чорраҳасида турганида, ИИБ ва ДХХ ходимлари автомашинадан тушиб, ХХХни автомашинадан тушишини сўрашганида, автомашина ҳайдовчи талабни бажармасдан олдинда турган вилоят ИИБ ҳисобида бўлган оқ рангли Жентра русумли 75089DBA давлат рақамли автомашинани, Нексия-3 русумли 75839EBA давлат рақамли автомашинани ҳамда О.Каюмовнинг бошқарувида бўлган Жентра автомашиналарни олди ва орқа қисмларига шикаст етказиб, автомашиналарни уриб қочишга уринганлиги, ХХХ бошқарувида бўлган оқ рангли Кобалт русумли 75F896YA давлат рақамли автомашинасининг олд йўловчи томондан “Нафис” мебеллар дўкони томонга қора целлофан пакетни отиб юбориб ўзи ҳаракатни давом эттириб кетганлиги, кейин Термиз шаҳар “Наврўз” маҳалласи ОИТС марказининг олдига бориб, олд ғилдираги ёрилиб кетиб, қарама-қарши ҳаракатланиб келаётган Жентра автомашинасига бориб урилганлигини билишганлиги, ўзи ва тезкор тадбир иштирокчилари билан Термиз шаҳри “Юлдуз” маҳалласи ҳудудида жойлашган темир йўл вокзали чорраҳасидаги “Нафис” мебеллар дўкони олдига келинганлиги, 75F896YA



автомашинасининг олд йўловчи томонидан отиб юборган қора целлофан пакет очиб кўрилганида, ичида малла рангли ўткир ҳидли гашиш гиёҳвандлик моддаси борлиги аниқланганлиги, электрон тарозига кўйиб ўлчаб кўрилганида, 417 граммни ташкил қилганлиги, мазкур гиёҳвандлик воситаси хужжатлаштириб олиниб, пакетга солиб муҳрланганлиги, воқеа жойида аҳоли гавжумлиги сабабли, етарлича техник воситалар йўқлиги сабабли Термиз шаҳри ИИБ биносига олиб келиниб хужжатлаштирилганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Б.Абдуллаев суд мажлисида, ИИБ ходимлари бир ишда холис сифатида иштирок этишини сўрашганлиги, ўз ихтиёри билан рози бўлганлиги, 2025 йил 17 июнь куни "Х" исмли шахс вилоят ИИБ бошлиғи номига ариза ёзганлиги, ушбу аризада Термиз шаҳри "Бўстон" маҳалласида яшовчи ХХХ Термиз шаҳар ҳудудида "гашиш" гиёҳвандлик воситасини сотиш билан шуғулланаётганлиги сабабли унга нисбатан қонуний чора кўрганлиги, ИИБ ва ДХХ тезкор ходимлари билан тезкор тадбир давомида ХХХ бошқарувида бўлган олдиндан кузатувга олинган Кобалт русумли 75F896YA давлат рақамли автомашинаси Термиз шаҳри "Юлдуз" маҳалласи ҳудудида жойлашган темир йўл вокзали чорраҳасида турганида тезкор ходимлар автомашинадан тушиб, ХХХни автомашинадан тушиши сўралганида, уларнинг талабни бажармасдан олдинда турган оқ рангли Жентра русумли 75089DBA давлат рақамли автомашинани, Нексия-3 русумли 75839EBA давлат рақамли автомашинани ҳамда яна бир Жентра русумли автомашиналарни олди ва орқа қисмларига шикаст етказиб, автомашиналарни уриб қочишга уринганлиги, ХХХ бошқарувида бўлган оқ рангли Кобалт русумли 75F896YA давлат рақамли автомашинасининг олд йўловчи томондан "Нафис" мебеллар дўкони томонга қора целлофан пакетни отиб юбориб, ўзи ҳаракатни давом эттириб кетганлиги, тезкор тадбир иштирокчилари билан Термиз шаҳар "Юлдуз" маҳалласи ҳудудида жойлашган темир йўл вокзали чорраҳасидаги "Нафис" мебеллар дўкони олдига келинганлиги, 75F896YA давлат рақамли автомашинасининг олд йўловчи томонидан отиб юборган қора целлофан пакет очиб кўрилганида ичида ўткир ҳидли гашиш гиёҳвандлик моддаси борлиги аниқланганлиги, электрон тарозига кўйиб ўлчаб кўрилганида, 417 граммни ташкил қилганлиги, хужжатлаштириб олиниб, пакетга солиб муҳрланганлиги, қолган тергов ҳаракатлари воқеа жойида аҳоли гавжумлиги сабабли Термиз шаҳри ИИБ биносига олиб келиниб хужжатлаштирилганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ С.Ёкубов суд мажлисида, 2025 йил 17 июнь куни "Х" исмли шахс вилоят ИИБ бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилганлиги, Термиз шаҳар "Бўстон" маҳалласида яшовчи Холматов Рамазон Термиз шаҳар ҳудудида "гашиш" гиёҳвандлик моддасини сотиш билан шуғулланиб юрганлиги, унга нисбатан қонуний чора кўришликни сўраганлиги, бундан ташқари ўзларида ҳам тезкор маълумотлар бўлганлиги, шунга кўра вилоят ИИБ ходимлари ҳамда ДХХ ходимлари ҳамкорлигида тезкор тадбир амалга оширилганлиги, соат 13⁰⁰да холислар ҳамда тезкор тадбир иштирокчилари билан бирга тезкор



тадбирни амалга ошириш мақсадида чиққанлиги, ХХХнинг бошқарувида бўлган 75F896YA давлат рақамли Кобалт автомобилни кузатганлиги, ХХХ аввал Термиз шаҳар “Фарход” маҳалласида жойлашган “СПИД” марказининг ёнидаги турмуш ўртоғи Д.Тўрабаеванинг уйдан чиққанлиги, сўнг Термиз шаҳар “Юлдуз” маҳалласида жойлашган “Ўзбегим” ресторанининг ёнидаги автомактабнинг орқасига кирганлиги, ХХХ ушбу куни номаълум шахсдан гиёҳвандлик воситасини сотиб олиши ҳақида маълумотлар мавжуд бўлганлиги, шу пайт соат 13¹⁵лар бўлганлиги, Денов туманида яшовчи К.Норов “Ласетти” автомобилида ХХХнинг ёнига келиб учрашганлиги, уларнинг нима мақсадда учрашишганлигини билмаслиги, сўнг К.Норов у ердан кетганлиги, ўзлари ХХХнинг автомобилни кузатаётганлиги, ХХХ у ердан чиқиб, Термиз темир йўл вокзали томонга қараб йўл олганлиги, унинг К.Норов билан учрашганлигидан шубҳаланиб, уни тўхтатиб текшириб кўриш мақсадида унинг ортидан борилганлиги, ХХХ Термиз темир йўл вокзали ёнидаги светофорда Термиз шаҳар “Фарход” маҳалласи томонга қараган йўналишда светофорда тўхтаб турганлиги, шу пайт ўзлари унинг ўнг томони, чап томони, орқа томонидан автомобилларини қўйиб тўхтатганлиги, автомобилдан “МООН” ходимлари билан бирга тушиб ўзларини таништириб, ХХХни автомашинадан тушишини айтиб, унга мурожаат қилинганлиги, ХХХ автомашина эшикларини кулфлаб, автомашинани очмаганлиги, ХХХнинг бу ҳаракатларидан шубҳаланиб ундан автомашинадан тушишини сўралганлиги, ХХХ қаршилик кўрсатиб, автомашинани ҳаракатга келтирганлиги, орқа, ўнг ва чапга ҳаракатланиб, олди ва ён томонда турган автомашиналарга урилиб, чиқиш учун жой очиб олганлиги, автомашинада қочиб кетганлиги, ўзлари автомашиналарга ўтириб унинг ортидан кузатиб борганлиги, ХХХнинг бошқарувидаги Кобалт автомашинаси светофордан ўтиш пайтида “Нафис” мебеллари дўконининг рўпарасига етмасдан олд ўнг томон ойнасини очиб, қора целлофанда бўлган гашиш гиёҳвандлик воситасини отиб юборганлиги, шу пайт ўзи ХХХнинг ортидан Маруф билан бирга кузатиб борганлиги, С.Атақурбанов, А.Эгамназаров, Р.Нишоновлар ва холислар ХХХ улоқтириб юборган гашиш гиёҳвандлик воситасини кўриқлаб туришганлиги, ХХХ автомашинада ҳаракатланиб бораётган пайтда ўнг олд балони чиқиб кетиб, қарама-қарши ҳаракатланиб келаётган Ласетти автомобилига бориб урилганлиги, уни автомашинадан тушириб олишганлиги, автомашинада унинг турмуш ўртоғи Д.Тўрабаева ҳам бўлганлиги, шундан сўнг ўзи тез ёрдам чақириб, уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатишганлиги, ўзи ХХХ автомашинадан отган гашиш гиёҳвандлик воситаси кўздан кечириб, олиш учун ҳамкасби Соҳибнинг олдига борганлиги, улар ХХХ отган гашиш гиёҳвандлик воситасини кўриқлаб туришганлиги, сўнг электрон тарози билан ушбу гашиш гиёҳвандлик воситасини ўлчаб кўришганлиги, оғирлиги 417 граммни ташкил қилганлиги, шундан сўнг мазкур моддани холислар иштирокида пакетга солиб, муҳрлаганликлари, тергов ҳаракати иштирокчилари билан бирга ИИБ биносига бориб, қолган ҳаракатларни давом

иришганлигини ҳақида кўрсатув берди.



Гувоҳ С.Атақурбанов суд мажлисида, гувоҳ С.Ёқубов каби кўрсатув бериб, дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлади.

Судланувчи ХХХнинг айби, судда гувоҳларнинг кўрсатуви, кўздан кечириш ва далилий ашёни олиш ҳақидаги баённома, фотосуратлар, пушаймонлик аризаси, суд-кимёвий экспертиза хулосалари, суд наркология хулосалари, видеоёзув, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда жинойт ишида тўпланган бошқа далиллар мажмуи билан исботланган.

Суд ҳайъати, дастлабки тергов органи иш ҳолатларини тўғри аниқлаб, судланувчи ХХХнинг айблилиги ҳақида асосли хулосага келган бўлса-да, бироқ жинойт ҳаракатини ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисми билан квалификация қилиб, хатоликка йўл қўйган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисмида, “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда қонунга ҳилоф равишда сотиш” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга оид жинойт ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли қарорининг 21-банди 3-қисмида, шахснинг гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда ўтказиш учун ЖК 273-моддасининг тегишли қисми билан жавобгарлик уларнинг миқдори билан боғлиқ ҳолда келиб чиқиши, 4-қисмида, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни сотиш усулида кўп миқдорда ўтказиш уларни ўтказишнинг энг ижтимоий хавфли кўриниши ҳисобланиши туфайли, мазкур қилмиш ЖК 273-моддасининг бешинчи қисми билан квалификация қилиниши лозимлиги, мазкур восита ёки моддаларни кўп миқдорда бошқа барча усулларда ўтказиш ЖК 273-моддасининг бошқа тегишли қисми билан жавобгарлик келиб чиқишига сабаб бўлиши кўрсатилган.

Суриштирув органи томонидан гиёҳвандлик воситасини олди-сотдиси юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖПК асосида белгиланган тартибда тадбир ўтказилмаган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 23-моддасида, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги белгиланган бўлиб;

94-моддасида иш бўйича қабул қилинадиган қарор синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текширилган далилларигагина асосланган бўлиши лозимлиги;

95-моддасида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан тўла, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиб, ўзларининг ички ишончлари бўйича далилларга баҳо бериши, ҳар бир далил ишга



алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 16-бандида, ЖПКнинг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишини иш бўйича мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилиқларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олинishi лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Иш ҳужжатларига кўра, 2025 йил 17 июнь куни ХХХ ўзининг бошқарувида бўлган Кобалт русумли 75F896YA давлат рақамли автомашинасида 406,94 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситасини сақлаб, Термиз шаҳар “Юлдуз” МФЙ ҳудудида жойлашган Темир йўл вокзали чорраҳасидан ҳаракатланаётган вақтда, тезкор тадбирга қатнашаётган ходимларининг тўхташ ҳақидаги ишорасига амал қилмасдан автомашина бошқарувини давом эттириб, автомашинада бўлган гашиш гиёҳвандлик воситасини автомашина ойнасидан отиб юборганлиги аниқланиб, гиёҳвандлик воситаси ҳужжатлаштирилиб олинган.

Жиноят ишида, ХХХ гашиш гиёҳвандлик воситасини кимга, қанча сотиш тўғрисида келишганлик ҳолати бўйича асослантирилган далиллар мавжуд бўлмаса-да, дастлабки тергов органи томонидан ХХХнинг “гашиш” гиёҳвандлик воситасини сотишга суиқасд этганликда айбли деб топиш ҳақида хулоса қилинган.

Гиёҳвандлик воситалари фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилгани ёки экспертизанинг айбдор гиёҳванд эмаслиги тўғрисида берган хулосасининг ўзи айбдорни гиёҳвандлик воситаларини айнан ҳақ эвазига ўтказишга суиқасд қилганликда айбланиш учун етарли далил ҳисобланмайди.

ХХХ 406,94 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситасини айнан сотиш ҳақида бирон-бир шахс билан келишгани ёки унинг шунга қаратилган ҳаракатлари ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда тўхтатилгани ёхуд унда ушбу воситаларни айнан сотиш йўли билан ўтказиш мақсади бўлгани аниқланмаган.

Юқоридаги қонун мазмуни ва Пленум қароридаги тушунтиришларидан келиб чиқиб, судлов ҳайъати ХХХнинг жиноий ҳаракатини ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисмидан шу Кодекснинг 273-моддаси 2-қисмига қайта квалификация қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузатилиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши кераклиги;



8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

42-моддасида, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши;

54-моддаси 2-қисмида, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозимлиги қайд қилинган.

Суд ҳайъати, судланувчи ХХХга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги тушунтиришларига амал қилган ҳолда ишдаги енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, айбдорнинг шахсини, гиёҳвандлик воситасини турини ва миқдорини, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атворини инобатга олган ҳолда айбланаётган Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 2-қисми билан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни;

- иш бўйича ашёвий далил сифатида эътироф этилиб, ДХХ Сурхондарё вилоят бошқармаси хўжалик бўлимида сақланаётган (2025 йил 8 августда 000004-сонли қвитанция билан қабул қилинган) 406,88 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситаси ҳукм қонуний кучга киргач йўқ қилишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473, 497², 497⁴-моддаларига асосланиб, суд ҳайъати

Ҳ у к м қ и л а д и :

ХХХнинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисмидан шу Кодекснинг 273-моддаси 2-қисмига қайта квалификация қилинсин ва айбли деб топилсин.

ХХХга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 2-қисми билан 6 (олти) йил 6 (олти) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо умумий тартибли колонияларда ўтаттирилсин.

Жазони ўташ муддати 2025 йил 18 июнь кунидан бошлаб ҳисоблансин.



XXXга нисбатан қўлланилган қамоқ эҳтиёт чораси ўзгаришсиз қолдирилсин.

Иш бўйича ашёвий далил сифатида эътироф этилиб, ДХХ Сурхондарё вилоят бошқармаси хўжалик бўлимида сақланаётган (2025 йил 8 августда 000004-сонли қвитанция билан қабул қилинган) 406,88 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситалари ҳукм қонуний кучга киргач йўқ қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил тариқасида олинган Редми телефон рақами узатмалар қутиси ва олти дона калит эгасига қайтарилсин бир дона электрон торози йўқ қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил тариқасида олинган 2 дона “DVD-R” форматдаги диск жинойт иши материаллари билан бирга қўшиб сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар, ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида Сурхондарё вилоят суди жинойт ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибда, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибда шикоят бериш ёки прокурор протест билдиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи:

имзо

[Redacted signature area]

Аслига тўғри:

[Redacted text]

